

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi


1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№75 (6.600). Sotuvda erkin narxda

ЖАҲОН АРЕНАЛАРИГА ЙЎЛ
(1-4-саҳифаларда)

ХАВФ-ХАТАРНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ
(1-2 саҳифаларда)

ҚУДУҚДАГИ ХАЗИНА
(1-2-саҳифаларда)



Кўннинг муҳим воқеалари

● Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Таълим тўғрисида»ги Коунининг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

● А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва маънавиятини ошириш марказий институтида Абдулла Авлоний ижодини ўрганишга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида Жаҳон банки лойиҳаси асосида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида матбуотнинг ролига доир семинар-тренинг бошланди.

● Пойтахтдаги Бизнес-марказда «Япония ОДАсининг (Ривожланишга расми ёрдам) янги йўналишлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтдаги «Бунёдкор» клубида даволаш-профилактика муассасалари лидер-ҳамшираларининг ўзига хос кўриги ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Фахриддин Тохировнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

● Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида драматург Тўлқин Муҳиддиннинг япон ёзувчиси Мийоко Мацута-ни қаламига мансуб «Таро саргузаштлари» асарига асосида тайёрлаган «Аждархо» пьесаси саҳнага қўйилди.

● Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчи бошқаруви ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси томонидан ташкил этилган «Хорижий ва маҳаллий сармоядорларнинг Ўзбекистон корхоналарини хусусийлаштиришдаги имкониятлари» мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.

● Пойтахтдаги 145-умумтаълим мактабида Халқ таълими вазири ва АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД)нинг бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иккита янги лойиҳасининг бошланишига бағишланган маросим ўтказилди.



Нурку шахрининг марказий бозоридаги савдо шохобчасида хизмат қилаётган Равшаной Ержанова ота қасбини давом эттираётган савдо ходимларидан бири ҳисобланади. Хари-дорлар бу сотувчи қизнинг ҳушмуомалигидан, мижозларга аъло даражада хизмат кўрсатишдан мамнун.

МАБЛАҒ ЭГАСИНИ ТОПСА БАС

Қаранг, ёз бошлангани ҳамон осмонда булут... Ёмғирлари ҳам бўлиб турибди. Бу ҳол галла ўрми-йиғимини уюшқоқлик билан тез ва соз ўтказишни таъқозо этмоқда.

Хукуматимизнинг «2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мавсумда иштирок этувчи барча соҳа мутасаддиларига қатта масъулият юклатди. «Ўздонмахсуслот» корпорациясидан олинган маълумотларга кўра бу йил давлат эҳтиёжлари учун талаб этилган 2 миллион 100 минг тонналик ҳосил жами 190 та манзилдан қабул қилинади. 312700 тонна уруқлик дон жамғариш ҳам белгиланган.

7-июнда бўлиб ўтган сим орқали йиғилишда мавсумий дон қабул қилиш шохобчаларини кўшимча равишда очмаслик тўғрисида айтилди, - дейди бошқарма бошлиғи Содик Умаров. - Бу жуда ўринли таъкид. Чунки, ўтган йили Самарқанд вилоятининг «Нурободдон» акционерлик жамияти ҳисобига 3 та, «Каттакўргондон» АЖ ҳисобига 1 та, «Жомбойдон» АЖ ҳисобига 2 та кўшимча дон қабул қилиш шохобчаси очилиб, уларга дон қабул қилинган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида 1 та, Тошкент вилояти Охангарон туманида 1 та мавсумий дон қабул қилиш шохобчаси очилган. Улар белгиланган тартибга зид фаолият юритган. Бу орқича исрофгарчилик, талон-тороқликларга олиб келган. Бу йил бундай

суистеъмолчиликларга мутлақо йўл қўйилмайди. Шунингдек, мавсумда 214 та лаборатория, 170 та автогадгаргич, 354 та автобил ва вагон тарозиси, 225 та дон тозалаш ускуналари, 1079 та автозуатгичлар иштирок этади.

Хуш, мавсумда манфаатдорлик масаласи қандай ҳал этилади? Қобилжон ТОШМАТОВ, АТ «Пахта Банк» бошқаруви раиси: -Шартномадан орқича махсуслот деҳқоннинг ўзига қолиши бор гап. Комбайнчилар ва мав-

БУГУННИНГ ГАПИ

сумда иштирок этувчи барча кишиларга меҳнатига яраша ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиши эса банклар ўз зиммасига олади. Банкнинг бош офиси, вилоят бошқармалари ва бўлимларида махсус ишчи гуруҳларидан иборат штаблар тузилган бўлиб, уларнинг зиммасига ўрми-йиғим қатнашчилари иш ҳақи тўлашни топиштирилган галла ҳосили, унинг қиймати ва ўрилган галла майдонини учун белгиланган тарифлар асосида нақд пул билан таъминлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилиши каби вазифалар юклатилган.

Яқинда галла ўрми-йиғими бошланган вилоятларга Молия вазирлиги ҳузурдаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги махсуслотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан 2003 йилги

галла ҳосилининг ўрми-йиғими ҳисоби-китоблари учун транш маблағлари ажратиш тўғрисидаги кўрсатма берилди. Унга кўра, мавсум иштирокчиларига ҳар беш кунда иш ҳақи қатъий тарзда берилди. Бунинг учун 2,8 миллиард сўм маблағ жамғариб қўйилган.

Абдуносир РАҲМОНОВ, РАТБ «Галлабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари: -Тўловларни ўз вақтида амалга ошириш учун банкнинг 32 та филиал ва 38 та минибанқларида ўзайтирилган график асосида иш юритувчи гуруҳлар тузилди. Улар томонидан мавсум иштирокчилари билан далаларда, нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш ташкил этилади. Ташкил этилган гуруҳлар фаолияти банк Бошқаруви ва раҳбарияти томонидан доимий назоратга олинган.

Бир сўз билан айтганда, «Галлабанк» жамоаси галлакорлар хирмонига барака тиланган ҳолда, яратилган ҳосилни йиғиштириб олишни маблағ билан таъминлаш орқали уларга мададкор бўлишга аҳд қилганлар.

Бу мутасаддиларнинг мавсум олди ваъдаси. Албатта, иш ҳақи ўз вақтида эгасига етиб боради, галла ўрми-йиғими юмушлари янада тезлашади. Бу галлакору механизатор қатори банклар учун фойдали. Чунки, деҳқон бой бўлса, мамлакат ҳам обод бўлади. Шундай экан, иллойим, ваъда ваъдалигича қолмасин. Биз эса мавсумдаги манфаатдорлик масаласига яна қайтамиз. Муаммолар бўлса бизга ёзиб юборинг.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЁШЛИК, ШИЖОАТ, ЧИНИҚИШ

Махсус мухбиримиз Қобилжон АСКАРОВ Андижондан хабар қилади.

Етти кун давом этган спорт беллашувлари нафақат мусобақа иштирокчилари, ҳатто минг-минглаб муҳлисларнинг ҳам қалбида муҳрла-ниб қолди. Хонобдадаги ўзбек кураши мусобақалари чоғида бир гуруҳ отахонлар беллашувларни ўта ҳис-ҳаяжон билан кузатишаёт-ганларига гувоҳ бўлдик. Билдикки, халқимизнинг катта-ю кичиги Юртбошимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни қизгин қўллаб-қувватламоқда.

-Кувонмай бўладими, - дейди Андижон туманидан борган нуруний-лардан бири Усмонали Курбанов. - Қаранг, орқамизда қолаётган ёш авлод нақадар ўқтам. Фарзандлари кучли, соғлом юртнинг довуғи, албатта, дунёга таралади.

Ана шундай илиқ гапларни олимпия за-хиралари коллежи саройида қўл тўпи мусобақаларини кузатаётган бир гуруҳ меҳнат фахрийларидан ҳам эшитдик. Улар болалар баркамолли-ги йўлида амалга оширилаётган бун-дай хайрли ишлар ўз мевасини бе-ришига ишонч билдирдилар.

Финал босқичи ўйинларининг олтинчи куни беллашувларнинг энг юқори нуктаси бўлди, десак ян-глишмаймиз. Шу куни бир қатор спорт турлари бўйича баҳслар ўта қизгин кечди, мурасисиз курашлар-

лан ривожланмоқда. Теннис бўйича саралаш ўйинларида юксак мукофот-ларга даъвогарлар аниқланди ва улар ўртасида финал беллашувлари бўлиб ўтди. Уғил болалар ўртасида андижонлик Хушнуд Мирзаев, қашқадарлик Алек-сандр Номозовлар голиб чиқиб, олтин медаль би-лан тақдирланди. Стол теннис баҳсларида ҳам мезонларнинг қўли банд келди.

Тошкент вилояти ваки-ли Ю.Маркее-вич кумуш ме-даль билан му-кофотланди. Сузиш му-собақаларида иштирок этаёт-ганлар баҳси ҳам қизгин ку-

ларининг сер-қирра дунёка-рашидан да-рак бериб ту-рибди.

Финал бос-қичи ўйинла-рининг охири-ги куни бас-кетбол, во-лейбол, фут-бол, қўл тўпи жамоалари-нинг хал қилувчи ўйинлари ўтказил-ди. Шундан сўнг кеч окшомада «Бар-камол авлод» спорт ўйинларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Фо-либлар тақдирландилар. Жумладан, умумжамоа ҳисобида андижонликлар биринчи ўринни эгаллашиб, Прези-



Финал босқичи ўйинларининг охириги куни баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи жамоаларининг хал қилувчи ўйинлари ўтказилди.



Мезонларнинг қўли банд келди.

рашлар остида ниҳоя-сига етди. Мукофот-ларнинг катта қисми яна мезонларга на-сиб қилди.

Андижон алоқа кол-лежининг ўқувчиси Алена Ёкубова икки бор юқори ўринни забт этди. Умумжамоа ҳисобида андижонлик сузувчилар 8 та олтин, 4 та кумуш, 2 та брон-за медаллари эгаси бўлидилар.

Мезонлар «Барка-дун» ўйинлари қатнашчилари-нинг кўнгилли хордик чикаришларига ҳам алоҳида эътибор қаратди-лар. Ўтган куни Андижон шаҳрида-ги А.Навоий номли маданият ва ис-тироҳат боғида дам олиш саййли ташкил этилди. «Қамолот» ёшлар иж-тимоий ҳаракати вилоят бўлими то-монидан турли қизилқорни танлов-лар ташкил этилди ва голиблар эс-далиқ совғалари билан тақдирлан-ди.

Олимпия захи-ралари спорт кол-лежи фойеида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари-га бағишланган рас-млар кўрғазмаси барчада яҳши та-ассурот қолдирди. Бир-биридан бе-такоррор ва мазмун-дор расмлар кол-лекцияси ва акаде-мик лицей ўқувчи-

дентимиз томонидан таъсис этилган олий мукофот - «Матиз» автомоби-лига сазовор бўлдилар. Тошкент ви-лояти вакиллари иккинчи, фарғона-ликлар эса учинчи ўринга муносиб қўрилдилар. Шунингдек, республи-ка ҳамда Андижон вилояти жамоат-чилиги томонидан таъсис этилган мукофотлар ҳам ўз эгаларига топи-рилди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинла-рининг навбатдаги финал беллашу-влари 2005 йилда Тошкент вилояти-да ўтказилади бўлди.

Байрамнинг яқиний тантаналари-да Ўзбекистон Республикаси Прези-дентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов ҳамда Андижон вило-яти ҳокими Қ. Обидовлар иштирок этишди.

СУРАТЛАРДА: «Баркамол ав-лод» спорт ўйинлари жараёндан лавҳалар.

Х.АРАББОВЕВ олган суратлар.



Мезонларнинг қўли банд келди.

ОФАТ КУТИЛМАГАНДА КЕЛАДИ

Табий офатлар ичида сел ва сув тошқинлари, ер ва қор кўчки-лари хавф жиҳатидан зилзилалар кейинги ўринда туради. Унинг ҳалокатли оқибатлари нафақат ин-сон ҳаётига, балки мамлакат иқти-соидиётига қатта зарар етказиши барчага маълум.

Республикамиз ўзининг иқлими ва географик жойлашуви билан бошқа дав-латлардан бирмунча фарқ қилади. Чунон-чи, ўлкамиз зилзила, кўчкилар, тошқин-лар ва бошқа техноген ҳамда экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар рўй бе-

риши эҳтимолдан холи зона эмас. Маълумки, баҳор фаслида ёнғингарчилик табий ҳол ҳисобланади. Бироқ ушбу фаслнинг тугаши - энди ёз келиб, бу ёнига тошқин рўй бермайди, дегани эмас. Ёзининг жазирама ойларида ҳам сел ва сув тошқини, тупроқ сурилиши ходи-салари ва бошқа шунга ўхшаш кўнгил-сиз воқеалар рўй бериши табий ҳол.

Маълумки, мамлакатимизнинг баъзи худудлари Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг тоғли худудлари билан туташиб кетган. У ерлардан бош-ланган табий офатлар ҳам мамлақати-миз аҳолисига хавф соймай қўймайди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

Қорақалпоғистонда Қораўзақ туманининг ўз ўрни, ўз салоҳия-ти бор. Аслида бу ўлканинг ўзи-га хос удуми, тарихий аъённа-лари мавжуд. Айтиш жоизки, ушбу ўзига хосликни сақлаб, давом эттириш ҳар бир қорақалпоғ-тонликнинг меҳнатига, шижоати-да мужассамдир. Қуйида Қораў-зақ туманида олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўхталмоқчи-миз.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланила-диган ерлар 32 минг гектардан ортқ.

ҚОРАЎЗАК: ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Ушбу худудда сақизта йирик қишлоқ хўжалик корхоналари мавжуд бўлиб, тўрттаси шолчиликка, биттаси қо-рақўчиликка ихтисослашган. Учта хўжа-лик неғизда деҳқон ва фермер хўжа-ликлари ташкил этилган.

Мамлакатимизда мулкчилик шақли-нинг ўзгараётганлиги, ширкатларнинг фермер хўжалиқларига айлантирили-ши айна мудаодир.

(Давоми 3-бетда)

ҲОЙИБДАН ТОПИЛГАН БОЙЛИК АҲСОНАМИ?

Бир фақир кўчада кетаётиб, ҳаётда омадсизлигидан нолиб менга ҳам мол-дунё ато эт, дея худ-го дёғворибди.

Унинг йўлидаги кўприкда тилла тўла кўзача турган экан. У ерга ақинлашган-да фақирнинг хаёлида «қизик, ҳаёт оқизлар бу кўприкдан қандай ўтишар-кин?» деган савол пайдо бўлибди ва кўзини чирт юмганча қўлидаги тағйини тўкиллатиб, кўзани кўрмай ўтиб кетибди. Хиёл вақт ўтмай, ортидан ке-лаётган бошқа бир йўловчи ғойибдан келган бойликка эга чиқиб, шукроналар

айтибди. Бу ҳикоятни кўпчилигимиз эшитган-миз, уни хаёлпарастликнинг шунчаки маҳсули, деб ҳам ҳисоблаймиз. Аслида эса беҳисоб бойликка эга бўлиб, бутун умрни фароғатда ўтказишни орзу қилиш одамзоднинг табиатида бор на-рса. Ҳозирги вақтда эртанда эмас, ҳаёт-да ҳам баъзан шундай «муъжиза»лар рўй берадики, хайратдан беихтиёр ёқа уш-лайсан, киши. Аслида киши ҳалол меҳ-натлари эвазига бойлик орттирса-ку майли, ҳалопи бўлсин. Аммо кимдир давлатга, халққа тегишли мулк эвазига беҳисоб мол-дунё тўпласа, буни омад-га йўйса, буни қандай тушуниш мумкин?

Абдунаби АЛИҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

(Давоми 2-бетда)

БОЛАЛАР СПОРТИ

Наманганда спортга эътибор кат-та, замонавий иншоотлар кўп, ян-гилари қурилмоқда. Юртбошимиз вилоятга сафар чоғида танишган водийга марказидаги «Ёшлар спорт мажмуи» ҳам ана шулар жумласи-дан.

Ҳозир бу ердаги бунёдкорлик ишла-ри Президентимизнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари асосида янгича руҳда давом этмоқда.

ЭВЕРЕСТ ЧЎҚҚИСИНИ КЎЗЛАБ

-Асосий мақсадимиз ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга хизмат қилишдан иборат, - дейди Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жа-мғармаси Наманган филиалининг дирек-тори Ибодилла Жабборов. - Шу йўл билан Юртбошимиз таъкидлаганидай, Эверест чўққисини забт этишдек улуг вазифа - жаҳон ареналарида Ватанимиз байроғини юксакларга кўтаришга ҳисса қўшмоқчимиз.

(Давоми 4-бетда)

НА БЎЛДИ?.. РАСВО БЎЛДИ!

-Энди ука, раисликка ҳам ҳеч вақо қолмади, ҳисоб. Бир томондан ко-миссионнинг кети узилмайди - улар-га қўп-пой дегандек...

Иккинчидан, ҳали у, ҳали бу ташки-лотдан «теқшираман», деб келувчилар кўп - уларнинг ҳам оғзини «мойлаш» керак. Учунчидан, техникалар отам замонидан қолган - эҳтиёт қисмлар, шиналар берил-майди. Бозордан нақд пулга сотиб оламиз. Туртинчидан, ишловчиларга маошини ўз вақтида бера олмадан уяласан. Хуллас, ҳаммасига кетадиган харажатлар-ни қоплаш учун о-з-о-з ер сотамиз-да, иним. Кейинги пайтларда органдилар бунга ҳам «ола» қарашмоқда. Агар ер ма-саласини ҳам қаттиқ назоратга олишса... раис бўлгандан бўлмаган маълу.

Баъзи хўжалик раислари шу сингари оқ-воқлар қилишади. Лекин, ҳозирги ўтиш давридаги табийий қўйинчиликлар олдида иродасизлик қилиб, тадбиркорлик билан иш юритиш, изланиш ўрнига белгилаб қўйилган қонун-қоидаларни атайин бўли-ши ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмай-ди. Ерни ҳуфёна тарзда сотиш бир ҳовуқ қимсалар чўнтагини қаплатишса-да, халқ манфаатларига, қолаверса, хўжалиқлар иқтисодиётига қатта зиён етказди.

(Давоми 2-бетда)

ХИКМАТ
Адашишининг минг бир йўли бор, ҳақиқатга эса биргина йўлдан борилади.
ЖАН-ЖАК РУССО



“ЎЛИК ДЕНГИЗНИНГ ҚОТИЛИ МЕНМАН”

Тўйда Мерган овчи ҳамкасби Чаққонбой билан тортишиб қолди. Мерган овчи бир отишда сочма ўқ билан ўнта ўрдакни кулатганини, Чаққонбой эса тоғда кийикни қувиб етиб олиб бўйинига арқон солганини бир-бирига айтиб бердилар.

Баҳо охири чет мамлакатларда қим қандай ов қилганлигига бориб тақалди.

“Мени биласан-а, собиқ шўро даврида Африка қитъасининг Конго деган ўлкасида харбийда бўлганман. Ушанда бир километрдан туриб, бир ўқ билан филин кулатганим, - деб мактади Мерган овчи.

“Ажазон, йигирма йил олдинги воқеани айтиб кериласиз-а. Мен ўтган йили Россиядаги Ок денгизининг бўйига кетиб қолган бебош жиянимни қидириб бордим. Шунда бошига бир мушт уриб оқ айқини ўлдирганман, - деди бу гапга жавабдан Чаққонбой.

Чаққонбой шу гапни айтган, “рақибимдан устун келдим”, деган ўй билан атрофдаги одамларга истеҳзоли қараб қўйди. Бироз ўйланган Мерган овчи ёши катталлигига бориб гап топди:

“Хов жияним, денгиз деганинга бир нарса эсимга тушди. Ўлик денгиз ҳақида эшитганман?”

“Албатта!

“Худди ўша денгизни мен бўғиб ўлдирганман, - деди Мерган овчи.

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ

“ОШПИЧОҚНИ ЎЙЛАМА”

Жўраназар ёш журналистлардан бири. Икки-уч йилдан бери туман газетасида ишлайди.

Кутилмаганда “Овоз ёзиш найрағлари” деган фелъетон ёзди. Бирданига шов-шув бўлиб кетди. Жўраназарнинг Менгбой деган астуи бор. Хазилкаш. Жўраназарни бир синаб курай-чи, деди. Газетага телефон қилди. Овозини ўзгартириб, ваҳимали гапирди:

“Жўраназар Аллаев керак.

“Менман. Нимагайди?”

“Мен... “Звукозапис”нинг “шефи”ман. Сиз... фелъетон қилган. Эшитинг! Ун минутда олдингизда бўлман. Ошпичоқ билан бораяпман. Қилчми, қалқончи... тайёрлаб туринг. Бирга - бир чиқамиз. Дуэл!..”

Телефон “шарк” этиб қўйилди. Жўраназарнинг ичига ваҳима оралади. Хонама-хона югурди. Мухарирдан бошқа ҳеч қим йўқ. “Шеф” келса, тамом. Қим билади, қандай одам. Қўрқувдан ранги оқарди. “Қочиб кетсамкинчи? Бугун бўлмаса эртага ушлаб олади”. Оёғи қалтирапти. Қўлагида даҳшат: энди нима бўлади?! Шу пайт эшикдан қотиба қиз Кундузой кирди. Телефон жиринглади.

“Олинг, - деди Жўраназар... У ёқдаги овоз Жўраназарни сўради. У қотибага қўли билан ишора қилиб “йўқ, йўқ!” дег, деди. У кўнмади:

“Мен Менгбойман... дўстиман. Жўраназар анж ш у ерда, беринг трубкани!..”

Жўраназар гўшакини қулоғига тутди. Дўсти Менгбой:

“Жўраназар! Нима гаплар?! Нега овозингда даҳшатли кўркув бор? “Бирга бир чиқамиз...” тушликка! Ошпичоқни ўйлама!..”

“А-а?! - Жўраназар гўшакини қўйди. Стулга ўтириб... оғир “уф-ф” тортиб юборди.

ЎЙИЛГАН ҚОЗОН ВА ЎСМАГАН САБЗИ

Усан ака - тракторчи. Қарши ака - қобгон. Икковлари ҳам ҳазилкашлиқлари билан машҳур. Қарши ака оқ мой сўраб келди. Уйга меҳмон келган.

Дўкон узок. Усан ака йўқ демади. Идиши билан тутди. Уйига келиб, қозонга солди. Ҳеч чўчимади. Бир пайт қозон ўйлиб тушди. Қарши ака билди: “Бу оқ мой эмас. Усан ака боллабди...”

Гап қишлоққа тарқалди: “Усан ака берган мойдан қозон ўйлиб тушди”. Учинчи кун улар йўлда учрашиб қолишди: Усан ака билмаганга олди ўзини:

“Қарши! Мен адашиб, сенга мой эмас, афтолни бериб юборибман-да, хей аттанг...”

“Қозон ўйилди, ака, қозон ўйилди, - деб қўйди Қарши ака.

Орадан бир йил ўтди. Усан ака борди:

“Қарши, сабзи уругим бор, томорқага сепаиб бер. Ҳеч қим сендай сеполмайди...”

“Ҳўп, - деди Қарши ака. Усан аканикига бориб, сабзи уругини уқалайверди. Нима бўлди-ю, Усан акани биров чақирди. Қарши ака сабзи уругини белидаги белбоққа билантирмай боғлади. Сабзи уруги халтасига тўпрок солиб олди. Томорқага тўпрок-уругни сепаиб чиқди.

Усан ака уч марта сугорди, сабзи қўқармади. Бир ой ўтди. Билди: “Қарши бир бола килди. Индамийин. Кулгу бўлмаган”. Қарши акаям мардик кўрсатди. Ҳеч қимга айтмади. Жим. Усан акаям жим. Дарди ичида. Нима десин?! Ким олдин врилади?!..”

Менгвор ОЛЛОМУРОДОВ

АНТИҚА КИТОБХОНЛИК

Нодир муҳандис бўлса-да, адабиётга қизиққанидан уйда анчагина китоб тўпланган. Афсуски, болалари улғайган сари китоблари боис, таъминоти орта бўлган.

Негак, болалари ҳар кун томоша қилган бўлиб, битта китобни йиртади. Қўрқитиб ҳам кўрди, фойдаси бўлмади. Шунда у хотинига:

“Мен йўқлигимда болалар хархаша қилсалар, илмий китобларни эмас, бадий китобларнинг эскироғини беравер, - деди.

Бир кун ишдан қайтиб, кўрасаки, ҳар иккала фарзанди қўлида XX аср бошида нашр этилган илмий китоблар турибди. Нодир болаларига пул бериб, алдаган бўлди-да, хотинига қичқирди:

“Сенга айтганим-ку, илмий эмас, бадий китобларнинг эскироғидан бергин, деб.

“Халиям, янги эмас, бундан 100 йил олдин чиққан эски китобларни бердим. Қолаверса, бадий китоб, ахир қизиқ жилди китобни бадий дейишмайди? - деди хотини.

Нодир хотинининг бу гапига қулишганим, йиллашганим билмасди.

Унид БЕКМУХАММАД

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ...

Абдураимни футбол ўйини кун бир кўрсангиз эди. Эгинда костюм-шим, бўйинда галстук, қўлида эса радиокорнай.

Бир пайт ўйин бошланиб, суҳандон жамоалар тарқибни эълон қилишга киришди: “Дарвозада Шавкат Раҳматов, иккинчи ракам остида Болл...ков, э, э, уэр, Бўрнев...”

Муҳлислар ўларига янги таниш Волковнинг қандай қилиб бир зумда Бўрневга айланганини тушуна олмай бир нафас жим қолишди. Кейин эса ўйингоҳни гўлдурок қаҳ-қаҳа тутди. Абдураим суҳандон эса пинағини бузмасди.

Учрашув ўрталарига бориб майдон агалари ҳужумчисини рақиб жимонисини чапиб йиқитди. Футболчи жароҳат олди. Шунда Абдураим микрофон олдида туриб бақирди: “Тез табиий ёрдам, тез табиий ёрдам!”

Муҳлислар “табиий” билан “табиий” деган сўз фарқида бормаган суҳандонга қараб қаҳ-қаҳ отиб қулишар, Абдураим шўрликнинг суҳандонлиги узокқа бормаслиги аён бўлиб қолганди.

Истам ИБРОХИМОВ

(Боши 1-бетда)

Маълумотларга қараганда, юқорида биз айтиб ўтган республикаларнинг банд тоғларига қор мезиридан кўп ёққан. Қўйи қисмида эса юзлаб катта-кичик қўллар мавжуд. Уларнинг аксарияти ҳозирги вақтда қалин муз билан қопланган. Ёз фаслида харорат кескин исиб кетса, музалар эриб, қўллар тошиб кетиши мумкин. Шу боис, Фавкулдада вази-ятлар вазирилиги тизимлари томонидан рўй бериши мумкин бўлган офатнинг олдини олиш учун хавфли худудларда табиий тусдаги фавкулдада вазириятлари кузатиб туриш ва аҳолини оғохлантириш учун постлар ўрнатилди, ишончли алоқа воситалари билан жиҳозланди.

Масалан, Қирғизистон Республикаси худудида қўли ёгингарчилик рўй бергудек бўлса, табиийки, Тенгсай, Мойлисой, Қўғарт дарёларида сув мидори ҳам қўяда. Ушундан дараёнинг сувлари Фарғона водийси худудидан оқиб ўтадиган Қордара ўзанига келиб қўшилиши натижа-сида сув тошқини юзага келиши мумкин. Тожикистонда ҳам шундай дараёларнинг борлиги мутахассислари-миз эътиборини жалб этмай қолмайди. Шунингдек, “Қайроққум” сув омборидаги ортиқча сувлар оқими Сирдарё қирғоқлари бўйида истиқо-мат қилаётган аҳолининг зарар кўри-шидан ташқари, Қозоғистондаги “Чордара” сув омбори орқали “Хай-даркўл”га ўтиши ҳам хавотирни яна-да кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳамасининг 2003 йил 7 март-да қабул қилган. “Тошқин ва сув оқимлари, кўчки ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатлари-ни тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарорига кўра турли соҳа мутахассисларидан таркиб топган фавкулдада комиссия тuzилган эди. Улар юқорида биз айтиб ўтган тур-ли офатлардан аҳолини ва худуд-ларни муҳофаза қилиш борасида жоёларда олиб борилаётган ишлар-дан хабардор бўлиб турибдилар. Та-биий офат рўй бериши мумкин бўлган худудларда яшовчи аҳоли-ни вақтинча қўчириб, уларнинг хавф-сизлигини таъминлаш ишларни ал-лақачон бошлаб юборганлар.

ОФАТ КУТИЛМАГАНДА КЕЛАДИ

Айни пайтда дарё ва сой қирғоқла-рини мустаҳкамлаш, сув хавзалари-ни тозалаш, кўприк ва бошқа иншо-отларни таъмирлаш борасида ам-алий ишлар, шунингдек, офат юз бе-риши эҳтимоли бўлган жойларда аҳолига тушунтириш ишлари давом этмоқда.

Хозир жойларда аҳолини кўчки, сел ва сув тошқинларидан оғох этиш мақсадида ўрнатилган кузатув пост-лари фаолияти айнакса, Тошкент вилоятида яхши йўлга қўйилган. Пойтахт вилояти ерларининг қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожики-стон Республикалари билан чегара-дош эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу масъулият ю к и н и н г янада зал-ворли экан-лиги аён бўлади. Фа-вкулдада ва-зи-ятлар рўй б е р и ш и м у м к и н бўлган ай-рим шаҳар ва туманлар-нинг хавф-ли худудла-рида жами 10 та, яъни Бўстонликда 3, Ангрэн ва Охангаронда 5, Паркен-да эса 2 та кузатув постлари та-шкил этилиб, улар фаолият кўрсата-пти. Вилот худудида сел ва кўчки ҳодисалари рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган Бўстонлик туманида-ги Хумсон, Фалвасой, Чак-чам, Охан-гарон туманидаги Қумушқон ва За-ректент ҳамда Ангрэндаги Нишоб-ғул худудлари тўла назоратга олинган бўлиб, айни пайтда бу мақсадларда фавкулдада вази-ятлар вазирили-нини қўйи тизимларида иш олиб бораётган ходимлари ички ишлар вакиллари билан ҳамкорликда шу

ерлик аҳоли осойишталигини таъ-минлаш, хавфли худудларга одам-ларнинг ва транспорт воситаларининг ўтишига йўл қўймаслик мақсадида кечаю кундуз навбатчилик қилиш-япти. Бунинг эътиборли жиҳати шун-даки, ҳар бир кузатув пости транс-порт ва тезкор алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, посбон-лар ҳар кун вазирилиқнинг навбат-чилик қисмига жойлардаги вази-ят тўғрисида хабар етказиб туришади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ви-лоятнинг Бекобод шаҳри ва тумани худудидан оқиб ўтадиган Сирдарё-нинг сув сатҳи кўтарилиши натижа-сида шаҳарнинг М.Турғунбоева ма-

фарбар этишга ҳаракат қилаётми-з, тиклаш ва мустаҳкамлаш ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда, - дейди Тошкент ви-лояти фавкулдада вази-ятлар бош-қармаси бошлиги, полковник Журъат Шарипов биз билан суҳ-батда.

Республикамизнинг кўпгина тоғли худудларида қор қўчиши ҳолатлари-ни кузатиш мумкин. Чотқол-Қурама ҳамда Ҳисор тоғ тизмасининг жану-бий қисмларида таттоки ноябр-де-кабр ойларига бундай хавф сак-ланishi эҳтимолдан холи эмас. Кам-чирк домини, Чимён-Билдирсой худуд-ларини ҳам бундан мустасно, деб бўлмайди.

Яқинда фавкулдада вази-ятлар ва-зирилиги ходимлари “Бошгидромет” мутахассислари билан ҳамкорликда республикамиз худудлари ва унга туташ бўлган қўшни давлатларнинг банд тоғли жойларига қичиб, қор ва муз қўчиши ва эриши ҳодисала-ри билан боғлиқ бўлган вази-ятни атрофича ўрганиб келдилар.

Ер қўчиши ҳодисалари хусусида сўз юритадиган бўлсак, мутахассис-ларнинг фикрича асосий ер қўчиши хавфи бор худудлар қаторида Қаш-қадарь, Сурхондарь, Тошкент, Самар-қанд вилоятларининг ва Фарғона во-дийсининг худудлари кирди. Бундай жойларда истиқомат қилади-ган ҳўжалиқлар ҳам бор. Афсуски, “Ота-бобларимиз азалдан шу ерда қўчиши топилган” деб хавфсиз жой-ларга қўчиб ўтишни истамайдиган баъзи оила бошлиқлари ҳам учраб туради.

Айтиш жоизки, хавф-хатарнинг кат-та-кичили бўлмайди. Ундан ҳеч қим тўла кафолатланган эмас. Шундай экан, хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олган яхши. Халқимиз-да “Ўзини асрагани Аллоҳ ҳам ас-райди”, деган гап бежиз айтилмаган.

Азамат СУЮНОВ, журналист.

ҒОЙИБДАН ТОПИЛГАН БОЙЛИК АФСОНАМИ?

(Боши 1-бетда)

Базан Россия телеканал-ларида Чеченистондаги ул-кан қувурлардан яширин йўллар билан нефт махсулот-ларини ўғирлаш билан бо-ғлиқ лавҳаларни кўрсатиб қолишади. Қўлбола ускуна-ларда нефтни кайта ишлаш орқали бойлик орттириётган-ларни кўриб, уларнинг қонунбузарлиқларига эмас, кўпроқ уздабруқлигига қўй-ил қолаемиз. Қизиги, худди шундай ҳолатлар бизда ҳам учраб туради экан. Лекин сел бошқачардек кўринишда. Хо-ш ишонинг, хош ишонманг, Фар-ғонада нефтни кетмон билан қазиб олиш мумкин! Бу ерда чеченларга ўшаб давлатга тегишли қувурларни тешиб ўтирмадан, яшаб турган хо-влингиздан салгина қавласангиз бас, тез орада бирингиз ўн, юз, минг, миллион бўли-ши ҳеч гапмас. Томорқангиз-дан чиққан бойлик қайсида-ри бир жиҳатдан ўзингизга те-гишли, деб хаёл қилсангиз, марҳамат бу имкониятдан фой-даланаверинг.

Аммо, шу ўринда нефт ер ости бойлиги ҳисобланиб, ундан фойдаланишга фа-қат давлатнинггина ҳуқуқи борлигини эслатиб қўймоқчимиз. Маълумки, Фарғона вило-ятининг Тошқол тумани худудидан нефт қазиб олинади. Бу ерда жойлашган “Яккатут”, “Янгиқошқил” маҳаллалари ва Қашқир қишлоғи аҳли худо берган бу неъматдан “бахра-манд” бўлапти, десак ян-ғилшмаймиз. Одамлар томор-қасида 30-40 метр чуқурлик-да кудук қовлаб, нефт олиша-пти! Араблар юртида ҳам бун-дай савилда нефт чиқмайд.


Қашқир - аҳолиси анча зич жойлашган катта қиш-лоқ ҳисобланади. Хозирги бозор шароитида фақат олзланган, елиб-югурган одамгина мўмай пул топа-

ди. Аммо қакирлик 200 та хо-надон аҳли эса уйда ўтириб, қоринни сувини қимирлат-масдан кам деганда ойига 450-500 миллион сўмни осонгина “ишлаб” олишапти. Бу оилаларнинг ҳар бирининг ҳовлисида кунига 800-1000 литрдан “қора олтин” қазиб олинади. Қишлоқда мавжуд кудукларнинг ҳаммасидан бир кунда ўртача 170000-180000 литр қимматбаҳо суюқлик қазиб олинаётгани ва қайта ишланиб, ҳар бир литри 90-100 сўмдан сотилаётганини ҳисобга олсак, қакирликлар-нинг умумий қуллик “даро-мад”и 15-17 миллион сўмни ташкил этиши ой-динлашади.

“Бу қишлоқ ва маҳаллалар-да аҳолининг ёнигли савдо-си билан шуғулланишини кўпчилик билган, - дейди вилоят давлат солиқ бошқар-маси бошлиги Сайфиддин Нисомов. - Аммо, одамлар-нинг нефт махсулотини ер-дида қазиб олаётганини ҳеч қим хаёлга келтирмаган. Қа-ерда йирик қорхона мавжуд бўлса, унинг атрофида яшо-вчи аҳолининг шу қорхона махсулотлари билан тижорат қилиши кўп учрайди. Аввали-га биз ҳам Тошқол тумани-нинг “Ахшак” ва “Сацца” қиш-лоқ фуқаролар йигинлари худудиди маҳаллаларда авж олган бензин савдосини Фарғона нефтини кайта иш-лаш қорхонаси билан боғлиқ дея гумон қилган эдик. Бирок, Тошқол туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари бу ноҳус қўриқини тартибга солиш учун қишлоқларга бо-ришганда, ҳақиқий манзара-ни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолишди.


Бошқарма раҳбари С.Ни-зомов таъкидлаганидек, тош-лоқлик солиқларни хали иш фаолиятларида ҳеч қачон уч-рамаган роса антика “қаш-қирма”ни фаш этишди. Тек-

Мақсуд АКРАМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.



“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси 1998 йилда жаҳон талабларига тўла мос келувчи, рақамли электрон тармоққа уланди. Япония ва Жанубий Корея технологиялари билан жиҳозланган шаҳар-даги автомат телефон станциялари сизини 52 минг рақамдан ошди. Яқинда миқоз-ларга янада қулайлик яратиб мақсадида шаҳарлараро сўзлашулар маскани ва интернет кафе курилиб ишга туширилди. СУРАТДА: мутахассис Ибод Исмоилов.

©С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.



Шаҳрихон туманидаги Бўстон ширкат ҳўжалигида тад-биркор Раҳимиддин Мирзаев сутни қайта ишлашга их-тиссослашган янги завод қурди. “RASH - МПК” масъу-ляти чекланган жамият бир кеча-кундузда 30 тонна сут-ни қайта ишлаб, ундан қурук сут, сарийё, қаймоқ ва твoрoг сингари тўрт турдан ортик сут ва сут махсулот-ларини тайёрламоқда. Ишлаб чиқариш учун керакли бўлган ҳам ашёларнинг асосий қисми тумандаги фер-мер ҳўжалиқлар ва аҳолидан келишилган нархларда харид қилинмоқда. СУРАТДА: лаборатория мудири Зулфия Мамадалиева. Шўхрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

НА БЎЛДИ?... РАСВО БЎЛДИ!

(Боши 1-бетда)

Шунинг учун ҳам замонамиз борини йўқ қилиш эмас, йўқдан бор қилиши тақозо эт-моқда.

Сўнги йилларда Сирдарё вилоятида ерни талон-торож қилиш билан боғлиқ қонунбу-зарлик ҳолатлари тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Прокуратура идоралари назорат текшируви тартибда қўлба яна шундай “со-яди” ишларни очиб ташламоқда. Албатта, бун-дай иш билан шуғулланган шахслар, амал-дорлар тегишли жазоларини олишапти, бир-оқ ер сотиш ҳолатлари қамаймапти. Бир-гина ўтган 2002 йилда пахта ва галла учун бўлжаланган 594 гектар ерга хўфа равшида қозна турдаги экинлар экиб юборилган. Шунингдек, 408 гектар ерга умуман пахта ёқуд бошқа экинлар экилмай, қаровсиз қолиб кет-ган. Ҳўжалик раҳбарларининг масъулиятсиз-лиги тўғрисида яна 468 гектар майдондаги гўзалар агротехника қондалар асосида пар-вартиш қилинмай, бутунлай ноубуд бўлди. Бу-ларнинг ҳаммаси оқир-оқибат белгиланган режаларнинг барбод бўлишига “ўз хисса-сини” қўшмай қолмади.

Бундай ҳўжасизлик ҳолатлари, айниқса, Оқ олтин, Шароф Рашидов, Меҳнатобод ва Сай-хунобод туманларида кўпроқ кузатилаётгани маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарлари-нинг бепарволиги-ю, озорқ масъулиятсизли-гидан ҳам далолат беради. Йўқса, Оқ олтин туманидаги С.Сиддиқов номили ширкат ҳўжа-лигининг қимсан - бўлим бошқарувчилари А.Қобилов, О.Қурбанов, Н.Дехқонов ва З.Мўминовлардан иборат манфаатпарастлар гуруҳи ўтган йили 16 гектардан зиёд пахта учун ажратилган ерга бошқа турдаги экин-ларни экиб, ҳўжаликка 1 миллион 256 минг сўм зарар, келтиришганини “оқоридигилар” қўришмаган, алқисса, билишмаган дейиш мумкинми? Ёки Шароф Рашидов туманида-ги “Дўстлик” ширкат ҳўжалиги раиси Ж.Ху-санбоев ва бош ҳосилоти Р.Тўғаловларнинг 12 гектар пахта экиладиган ерни талон-то-роқ қилишганини ҳам туман мутасаддирига дастлаб сезишмаган деб ўйлайсизми?

Сайхунобод туманидаги “Робот” ширкат ҳўжалиги бўлим бошқарувчиси А.Ҳамидов пахта экиладиган 9 гектар ерни полиз учун бериб юбориб, ҳўжалик иқтисодига катта миқ-дорда зарар етказган. Оқ олтин туманидаги “Абдурашид ота” фермер ҳўжалиги оз эмас, кўп эмас 25 гек-тар майдонга пахта эмай, қарийб 6 миллион сўмлик, “Салакул ота” фермер ҳўжалиги 23 гектар пахтани қаровсиз қолдириб, 2 мил-лион 800 минг сўмлик, Шароф Рашидов ту-

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Мухаммад Нурмура-тов ўзининг ҳурмура-талиги, эҳди ўтири-лиги ва қамтарлиги билан Навоий шаҳридаги “Жа-нубий” маҳалла аҳли-нинг ҳурматини қозон-ган. У қарийб беш йил-дан бери маҳалла бо-ли-ни бўлиб хизмат қила-пти. Унинг фаолияти давомида қўлаб жи-ноятлар фаш этилди.

ПОСБОН ХУШЁР ТУРСА...

2001 йилнинг кеч кузи, Оқшом соат 22 лар чамаси. Посбон маҳалла қўчаларига тўнги назоратга чиққан. Бир пайт Навоий шаҳридаги қурилиш алоқа бўлимининг омборхонаси атрофида бир киши ўзини пангага олди. Бу ҳолат посбоннинг диққатини тортади. У дарҳат панасига ўтиб, атрофини анча мuddат кузатади. Омборхона томи устида яна бир одам пайдо бўлади.

Тўнги шарпа Нурмура-товнинг чакқон ҳаракат қилиши-ни тақозо этди. У тезлик бил-ан ҳаракат қилиб, қалинли-ги ҳар хил бўлган 150 кило-граммлик мис кабелларни ўғирлар билан бирга қўлга туширади. Уч нафар воғга етмаган ўспирин бу ноидр металлрн омборхонадан олиб қичиб кетишаётган экан. Ўғирларнинг ҳар ўчалар-и ҳам тергов органларига топширилади.

2002 йилнинг май ойи. Маҳалладаги 4-уй, 11-хона-донда ўғирлик содир этилган-лиги ҳақида хабар олинди. Ўғри электр ҳисоблагичи, тикув машинаси, 126 минг сўм пул, тўртта палос, битта телефон аппарати ва уй-рўзгор идишларини ўзи бил-ан олиб кетганлиги маълум бўлди.


Маҳалла посбони шоши-линч ҳулоса чиқаришга инти-либ, Навоий шаҳридаги дех-кон бозорига боради. Эски-туски нарсалар сотиладиган жойларни бир-бир қўздан кеңира бошлади. Посбон ўта синқовлиги тўғрисида муқад-дам судланган, Жанубий қўшанинг 10^А-уй, 11-хонадо-нида яшовчи И.Файзулин исмли шахсни ўғирланган палосларни сотаётган пайт-да ушлайди ва шаҳар ички ишлар бўлимига топширади.

...Маҳалла посбони ҳаёт-дан бундай миқсоларни жуда қўп келтириши мумкин. У ўзи-нинг сермазмун фаолияти давомида Навоий шаҳар ҳокимлиги, вилоят “Маҳалла” жағмармасининг Фаҳрий ёрликлар билан тақдирланди. Ҳа, посбон хушёр бўлса, маҳалла, юрт тинчди.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

НА БЎЛДИ?... РАСВО БЎЛДИ!

мандаги “Содик” фермер ҳўжалиги эса 23 гектар пахта даласи тақдир билан қизик-май, 1 миллион 100 минг сўмлик транс ма-белларни талон-торож қилиб юборишгани-ни на туман раҳбарлари, на фермерларнинг туман вакиллари дирекцияси аниқлашган. Оқини, ҳар қачон ҳўжалиқларни



Фаргона вилоятининг Бешариқ туманидаги "Ўзбекистон" ширкати ҳўжалик иқтисоди бақувват ҳўжаликлардан биридир. Ҳўжалик деҳқонлари бу йил 664 гектар ерга чигит экишди. Хар гектар ердан 31,8 центнердан ҳосил олиш ва 2112 тонна пахта тайёрлаш режалаштирилган. Бундан ташқари 497 гектар ерда дон етиштирилмоқда.

Ҳўжаликда шу кунларда гўза парвариши қизгин олиб борилмоқда. Айниқса, қатқалоқни юмшатиш, гўзага қўшимча ишлов бериш ишлариға алоҳида эътибор қаратилган.

СУРАТЛАРДА: ҳўжаликда олиб борилётган ишлардан лавҳалар.

Тургўнбек МАҲҚАМОВ олган суратлар.



ҚОРАЎЗАК:

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

(Боши 1-бетда)

Фермер бўлишға ҳаракат қилаётганлар сонни кун сайин ортиб бормоқда.

Беш минг гектар ердаги галлазорлар бугун кўзни қувонтиради. Деҳқонларнинг бу йилги ҳосилдан кўнгиллари тўқ. Чунки бугдой бошқоқлари бўлиқ, бу эса мўл ҳосилдан далолат. Яқин кунлар ичида бугдойға ўроқ тўшади. Ҳосилни нест-нобуд қилмай вақтида саранжомлаб олиш учун ўрим-йигим техникалари шай қилиб қўйилди.

Қораўзақда асл деҳқонлар кўп. Шолчиликда ном қозонганлардан бири ҳозирда меҳнат фахрийси Бозор бика Жубатхонвадир. У кўп йиллар мобайнида туманининг "Маданият" ширкати ҳўжалигида шолликорлик жамоасиға бошчилик қилиб, юқори натижаларға эришди. Бунинг ҳаммасиға Бозор опанинг ишининг кўзини билиши, меҳнатсеварлиги, аъзоларидан ҳам буни талаб қилишининг натижаси десак муболаға қилмаган бўламиз. Унинг эришган ютуқлари ана шу фаилатларининг маъсулидир. Шу боис ҳам у киши меҳнатлари эвазига халқ орасида тилға тўшди ҳамда ҳукуматимиз томонидан қатор мукофотлар билан тақдирланди.

Бу йил ҳам туман деҳқон-

лари салкам етти минг гектар ерга шолни экидилар. Амударёда бу йил сувнинг қўллиги шолликорлар учун қувончли бўлмоқда. Демак, халқнинг ризқ-насибаси бўлган гуруч мўл бўлади.

Шунингдек, туманда аҳолининг саломатлигиға алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда туман марказий шифохонаси, 4 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 7 та қишлоқ врачлик пункти, 22 та фельдшер-акушерлик пункти ҳамда хотин-қизларни соғломлаштириш марказлари бўлиб турибди. Қорақалпоғистонда экологик вазият анча мураккаблиги аҳолиға қучли тиббий хизмат кўрсатишни талаб қилади. Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш яқин йўлға қўйилган. Тумандаги дори-хоналарнинг ўзида ҳозирги кунда 28 хилдаги малҳамлар тайёрланмоқда. Туман бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Пардагул Бекбосинованинг айтишича, жорий йилда марказий шифохонаға 21 миллион 564 минг сўмлик дори-дармон берилган. Тўрт ой ичида турли инсонпарварлик ташкилотлари ёрдами билан ҳамда кредитдан олинган 5 миллион 376 минг сўмлик дори-дармон даволанувчиларға тарқатилди. Бу ҳам туман аҳолиси саломатлигини

муштаҳамлаш йўлида кўрсатилаётган гамҳўрликлардан биридир.

Бола тарбиясиға эътибор келажакка бўлган ишончдир. Бу сўзни "Маданият" ширкати ҳўжалигида жойлашган "Қалдирғоч" болалар боғчаси ходимлари ўзларига шиор қилиб олишган. Зўҳра Утемуратова раҳбарлигидаги мазкур 3-сонли боғча тарбиячилари болажонларға бўлган меҳрлари билан ота-оналарнинг ҳурматиға сазовор бўлишмоқда. Боғча тарбияланувчилари ўтказилаётган турли мусобақаларда биринчи, иккинчи ўринларни олиб келмоқда.

"Қайси юртининг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини кўр дейишади", донишмандлар. Бозорнинг тўқинлиги, нарх-наволарнинг арзонлиги халқнинг турмуш даражасидан далолат беради.

Сўнги тўрт ойда умумий даромадимиз 2943 минг сўм бўлди, - дейди бозор бошлиғи Ш.Дониёров. - Режани ортиғи билан баҳардик. Бозоримизни ободонлаштириш мақсадида теварак-атрофға икки юз дона қўнат экиб, асфальтлаш ишларини амалға оширдик. Айни кунларда эса келгуси йили тўлиқ фойдаланишға топширилиши мўлжалланган 50 ўринли ёпиқ бозор қури-

ши давом эттирилмоқда.

Ҳа, бозор деҳқон меҳнатининг кўзгуси. Ундаги мева-сабзавот ва бошқа неъматлар меҳнат аҳлининг пешона тери эвазига етиштирилган истеймол учун зарур маҳсулотлар. Деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи сотишни хоҳлайди. Чунки бундан харидорғаям, деҳқоннинг ўзигаям фойда кўп. Тоға, қулай жойда савдо қилишға нима етсин.

Банк тизимиға назар соландиган бўлсак, "Халқ банки" туман бўлими фаолиятини келтириб ўтиш жоиздир. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун 10 миллион сўм ажратилган. Ўрта муддатли кредитлар миқдори ҳам шунчани ташкил қилади.

Бундан ташқари банк томонидан янги омонат турлари ҳам жорий этилган бўлиб, улар "Махаллам - фахрим менинг", "Ҳашилик ниҳоли" кабилардир.

"Пахта Банк"нинг туман филиалида миқозлари сонни ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили банкнинг миқозлари 33 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда яна 213 та фермер ҳўжаликлари банкда ўз ҳисоб рақамини очди. Кўриниб турибдики, туманда иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларда талайгина ишлар амалға оширилмоқда. Меҳнат аҳлининг эртанги кунга бўлган ишончи бугунги яратувчилик меҳнатларидан сезилиб турибди.

Дамехон МЕДЕТОВА, Шаменгул ТУРЕМУРАТОВА



OSIYO BATAREYA

QO'SHMA KORXONASI
БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
СОҲИБЛАРИГА 20 ТУРДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТЛАРНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ
БИЗНИНГ АККУМУЛЯТОРЛАРИМИЗ:

-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚЛИМИГА МОС.

- ЮҚОРИ ҚУВВАТТА ЭГА.

- ЭНГ АСОСИЙСИ ИШОНЧЛИ ВА
ЎРНАТИШГА ҚУЛАЙ.

СОТИБ ОЛИНГ, СИНАБ КЎРИНГ, СИФАТИГА КАФОЛАТ
БЕРАМИЗ!



Телефонларимизни эслаб қолинг:
8-(3712) 48-07-20; 48-07-30;
48-07-40; 48-50-70.
Факс: 48-07-50.



ПАРРАНДАХОНА
ҲОЙДАГА ҚОЛДИ

Ҳозирги бозор иқтисодиётиға ўтиш даврида банк тизимида ҳам ислохотлар амалға оширилди. Шу боис эндиликда фермерликка бел боғлаган ёки тадбиркорликка қўл урган киши маблағи йўқ бўлса, эсанкираб қолмайди, - дейди акционерлик-тижорат "Савдогар-банк"нинг Тойлоқ тумани бўлими бошқарувчиси Алиқул Шероф.

Негаки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини муштаҳамлаш мақсадида бошланғич сармояни шакллантириш учун банклар томонидан имтиёзли кредит ажратилиш афзал ва қулай эканлигини бугун кўпчилик яқини билади. Дарҳақиқат, бўлимда бу борада бир қатор ишлар амалға оширилмоқда. 2002 йил 1 январь ҳолатиға қадар 247 жисмоний ва ҳуқуқий шахсларға хизмат кўрсатилган бўлса, миқозлари сонни 2003 йил 1 январь ҳолатиға келиб 63 таға қўлайди.

2002 йилдан бошлаб кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда банкка жалб қилиш мақсадида ҳисоб рақамлар очиб бепул тарзда амалға оширилмоқда. Банк бўйича 2002 йилда жами 608642 минг сўм кредит берилди. Ўтган йили тадбиркорларға 152400 минг сўм кредит берилган бўлиб, бу 2003 йил 1 январь ҳолатиға кредит қўйилмасининг 41,6 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, ўтган йили фермер ҳўжаликлариға 28967 минг сўмлик, деҳқон ҳўжаликлариға эса 2070 минг сўмлик кредитлар берилган.

Банкдан кредит олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришға муносиб ҳисса қўшаётганлар талайгина. Шулардан бири "Богизагон" ширкати ҳўжалигини мисол қилиб келтириш ўринлидир. 2002 йили ҳўжалик картотка етиштириш мақсадида 25 миллион сўмлик кредит ҳисобига "Ўзкартошқа" фирмасидан Голландиядан келтирилган 33,3 тонна картошка уругини сотиб олиб, 217 тонна янги уруғ етиштирилди ва шу тариқа 1 сўмлик банк кредитиға 1,38 сўмдан фойда олинди.

Шунингдек, "Чорва - барак" корхонаси паррандачиликни ривожлантириш мақсадида ушбу банкдан 2002 йил давомида беш миллион сўм кредит олиб, 1000 дона наслдор товуқлар сотиб олганди. Улардан кунига 450 донадан туҳум етиштириб, 2003 йил 1 чорвада 4565 минг сўмлик паррандачилик маҳсулотлари аҳолиға етказиб берилди. Ўртача ҳисоблаганда 1 сўмлик кредитта 1,37 сўмдан даромад олишға эришилди. Шу билан биргаликда ушбу корхонада кредит ҳисобига 18 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркор Алишер Мирсаидов ҳам меҳнат бандлиғи ресурси ҳисобидан имтиёзли кредит олиб, ўз корхонада 5 та янги иш ўрни яратишға ҳамда туман аҳлиға оҳақ, ал-

бастр, мел каби қурилуш ашёларини етказиб беришға эришди. Қувончли томони шундаки, у 1 сўмлик банк кредитиға 1,65 сўмдан соф фойда олишға муваффақ бўлди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Бундан ташқари банкда жисмоний шахсларға хизмат кўрсатиш мақсадида валюта айирбошлаш шохбчаси ташкил қилинган.

Айни пайтда банкда аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини омонатларға жалб қилиш мақсадида турли хил омонатлар жалб қилинган. Улар қўйидагилар:

1. Талаб қилиб олинганча - йиллик 8 фоиз
2. Муддатли омонат: а) 3 ой муддатта - йиллик 34 фоиз б) 6 ой муддатта - йиллик 36 фоиз в) 1 йил ва ундан ортиқ муддатта - йиллик 38 фоиз г) 5 йил ва ундан ортиқ муддатта - йиллик 45 фоиз
3. Кафолатли даромад: а) 6 ой муддатта - йиллик 36 фоиз б) 1 йил муддатта - йиллик 38 фоиз в) 1 йилдан 3 йилгача - йиллик 40 фоиз г) 3 йил ва ундан ортиқ муддатта - йиллик 42 фоиз
4. "Муътабар аёл" омонати - 40 фоиз
5. "Эгасининг номи кўрсатилмайдиган" омонати - йиллик 42 фоиз
6. "Ишонч" омонати - йиллик 42 фоиз

Шуниси қувончлики, омонатчилар банкдаги бу омонат турларидан самарали фойдаланишди. Яна бир ижобий ҳолат: 2002 йил мобайнида нақд пул тушум режаси 4186628 минг сўм белгиланган бўлса, ҳақиқатда 6492967 минг сўмға етказиб, яъни 155,1 фоизға баҳарилган. Кўриниб турибдики, туманда нафақа, бюджет ташкилотлари иш ҳақи ва бошқа ташкилот ва корхоналарнинг нақд пулға бўлган талаби тўлалиғича қондирилган.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, банкда кадрлар билан ишлашға, уларнинг билим ва маҳоратларини оширишға асосий эътибор қаратилган. Бу даргоҳда ходимларнинг 48 фоизини олий маълумотлилар, 52 фоизини ўрта махсус маълумотлилар ташкил этади. Кадрлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк ҳисобидан ходимларни иккинчи мутахассислик бўйича ўқитиш йўлға қўйилган. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳам ҳар доим эътиборда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ЕТИ ИҚЛИМДАН
БИР ШИНГИЛ

МАВРИТАНИЯДА ҚЎЗҒОЛОН

Мисрнинг МЕНА ахборот агентлиғи тарқатган хабарларға кўра, Мавритания пойтахти Нуакшот шаҳрида юз берган оммавий тартибсизликлар оқибатида 40 киши ҳалок бўлди, қўллаб қишлоқлар жароҳатланди.

Ушбу галаёнинг асосий ташкилотчиси бўлиш Солиқ Улд Ханоннинг тақдирини ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

Мавритания қуроли қўчларининг собиқ зобити Улд Ханон 2002 йилда ўзининг муҳолифона қарашлари ва Исроил давлати билан маъриф алоқа боғланган учун мажбуран истеъфоға чиқарилган эди.

Шунингдек, галаён чоғида исёнчилар тарқибиде бўлган Мавритания ҳарбий разведкасининг "иккинчи етказиши" ҳам ўлдирилгани хабар қилинмоқда. Ҳозирча унинг исми-шарифи сир тутилмоқда.

ЗАКОВЕВ СУД КУРСИСИДА

Лондонда чечен жангарилари қўмондонларидан бири Аҳмад Заковев устидан олиб борилган суд жараёнининг биринчи босқичи охирида қолди.

Суд мажлиси Лондон магистрат судида очик тартибда ўтаётди. Судланувчининг кирдикорлари бўйича гувоҳликка чакрилганлар орасида ҳуқуқшунос, "Мемориал" жамағатис раиси Сергей Ковалёв, Давлат думасининг собиқ спикери ва РФ ҳавфсизлик кенашининг аввалги котиби Иван Рыбкинлар бор. Чечен миллиятига мансуб ўзиничи шохидининг исми-шарифи ошкор этилгани йўқ.

Заковевнинг ўзи икки кун давом этган мажлисда бир оғиз ҳам кўрсатма бермаган. Шунингдек, иш бўйича Россия томонига жўнатилган қўшимча материаллар юзасидан расмий Москванинг ҳам яқинчи ҳулосалари етиб келганича йўқ. Прокуратура хизмати вакили судья Тимоти Уоркманга мурожаат қилиб, бевиз гувоҳларни қайтадан сўроқ қилишни сўраган.

ГОЛЛИВУД БИЛАН БЕЛЛАШМОҚЧИ

АҚШнинг Огайо штатидаги бир қатор черковларда аҳолий янглик жорий этилгани боис, мазкур ибодатхоналарға ташриф буюрадиганлар сонни бир неча баробар ортди.

Бунга руҳонийларнинг черков хоналарида баҳайбат плазма экранлар ўрнатишгани сабаб бўлди. Бу экранлар орқали мунтазам равишда видеоқлиплар, фильмлар, роқ мусикасини намуналари намойиш этилади.

Аваллари Eastside Christian Church черковининг ўзига бир кунда 150 киши қатнар эди. Янгиликдан сўнг бу рақам нақ ўн баробарға ортди. Тўғри, черковларни ана шундай замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 1 миллион долларға яқин маблағ сарфланди. Бироқ, кузатувчилар фикрича, черковларға ўрнатилган бу аппаратлар руҳонийлар учун ҳатто Голливуд билан ҳам рақобатлашиш имконини беради.

РОБОТЛАР МАРСНИ ЎРГАНИШАДИ

Флорида штатидаги Канаверал космодромиде марсоход-робот жойлаштирилган "Дельта-2" ракетаси фазоға муваффақиятли учирилди.

"Spirit" деб номланган ушбу марсоход Марс сайёрасини геологик тузилишини атрафлича тадқиқ этишға йўналтирилган. "Opportunity" номли иккинчи марсоход шу ойнинг охирида учурилиш режалаштирилган. ИТАР-ТАССнинг маълум қилишича, ҳар иккала марсоход 2004 йилнинг январ ойида Марс сатҳиға бориб қўнади. Улар орқали ушбу сайёрада авваллари сўз бўлган яқин бўлмаганлиғи аниқланиши лозим.

NASAнинг айтишича, мазкур робот-машиналар сайёрадан энг сифатли фотосуратлар олиб жўнатиши ва Марс жисмларини аввалги тадқиқотлардан кўра мукамалроқ ўрганишда хизмат қилиши мумкин.

Роботлар ердан туриб махсус қурилмалар ёрдамида бошқарилади.

Интернет хабарлари асосида Рустам ЖАББОРОВ тайёрлади.

UZ-DAEWOO

"Асака" банки
"Ўздэуавто"
компанияси

билан биргаликда
2003 йил 1 августгача автомобилларни
КРЕДИТГА
СОТМОҚДА

Автомобиллар Сизларни
расмий дилерларнинг
салонларида кутмоқда

Дастлабки бадал автомобиль
қийматининг 60 фоизини ташкил
этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил
давомида йиллик 20 фоиз ҳисобға
олинган ҳолда тўланади.

Автомобиллар ҳақидаги
ўз орзуингизни
рўёбға чиқаринг!

"Асака" банкдаги телефонлар:
120-81-73; 120-82-23.
Тўлиқ маълумотлар олиш ва ҳужжатларни
расмийлаштириш учун "Ўздэуавто"
компаниясининг ҳудудлардаги расмий
дилерларига мурожаат этинг.

КЎРГАЗМА

1757 йилда ташкил этилган Санкт-Петербург Бадий академияси қарий икки ярим асрдан буйн кўплаб таниқли мусаввир ва ҳайкалтарошларни тарбиялаб эл-юртга танитмоқда, десак муболага бўлмас.

ДУРДОНА

Яқинда Ўзбекистон Давлат санъат музейининг рус санъати бўлими хоналарида ана шу ерда таълим олган бир қатор тасвирий санъат усталарининг ижодий ишлари намойиши бўлиб ўтди. Мусаввир Константин Маковскийнинг "Ойлави сурат", "Катolik ваъзон", "Драбистондаги Қоҳира мактаби", "Бой аёли", "Айвазовскийнинг "Шамолли тегирион", "Кора денгиз", Андрей Беллолининг "Чумилаётган аёл", Иля Репиннинг "Эркак киши сурати", "Қизининг портрети", Крамскойнинг "Кампир портрети" ва бошқа турли асарлар томошабинларда чукр хайрат туйғусини уйғотди десак ағлишмаймиш.

Маннон Саидов, Рафаил Токташ, Рўзи Чориев, Саъдулла Абдуллаев, Алишер Мирзаев, Баходир Жалолов, Жавлон Умарбеков каби иқтидорли мусаввир ва ҳайкалтарошлар бугунги кунда республикамизнинг фахри ҳисобланади. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қувонч ва гурур билан таъкидлашни истардик. Гап шундаки, Истиклолга эришганимиздан сўнг ўзимизнинг миллий Бадий академиямизга эга бўлди.

Кўргазмада, шунингдек, Санкт-Петербург Бадий академиясининг собиқ талабалари ҳамда Миллий академиямизнинг тажрибали устозлари бўлиши мўйқалам соҳибларининг этилодлари ҳам айрим намуналар намойиш этилаётди. Маннон Саидовнинг "Дала шийпониди", Неймат Қўзибоевнинг "Юнус Ражабий", Раҳим Аҳмедовнинг "Қўшнайчи Умрзоков", Саъдулла Абдуллаевнинг "Талабалар", Рўзи Чориевнинг "Шукрат Аббосов портрети" ва бошқа бир қатор асарлар томошабинларга манзур бўлаётди.

Махмуд АХМЕДОВ



Кумушбилар

М.КЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат-лавҳа.

ТУРМУШ

Беклар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зухра опа "Ойша Зиёдованинг аҳоли жуда оғир. Эри уни қаттиқ дўппослабди", деган хабарни эшитиб, халқ посбони билан аёлнинг уйига келди. Дарвозани узоқ тақиллатишди. Ичкаридан садо чиқмади.

Ховлиннинг орқа тарафига ўтишганида Ойшанинг эри Расулнинг қораси кўринди. Ойшани сўрашган эди, қовоғидан қор ёйиб турган йиғитдан "Хотиним уйда йўқ", деган кўрс жавобни эшитишди. Шу чоқ ички бир сезги Зухра олгани ичкарига етаклади. Уйга кирди, кирди-ю, даъфатан сесканиб кетди. Шўрлик Ойша қонга беланиб, ерда ётар, ёнида норасида уч қизалоғи кўрқанларидан дағ-дағ титраб ўтиришарди...

Халқда "Эр-хотиннинг уриши - доқа рўмонинг қуриши", деган гап бор. Аммо бу оилада ҳали вери доқа рўмонинг қуримаслиги аниқдек кўринарди. Қишлоқ оқсоқолларининг бадфеъл Расулга қилган барча панднасихатлари зое кетди. Шаъни топталган аёл учала боласини олиб, бир пайтлар не-не умидлар билан қадам қўйган бу ховлини тарк этди.

ДОҚА РЎМОЛ

Ойша билан Расул 1987 йилда турмуш қуришганди. Ниҳонқи фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш бўлими орқали расмийлашмасдан бира яшаб келишарди. Унга қадар "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятида ишлаган Ойша эрининг қистови билан Бухоро шаҳридаги уйини 400 минг сўмга сотган, шунинг 225 мингига "Москвич" русумли автомашина, қолганга яна оз-моз қўшиб турт-беш қорамол ва эчки харид қилишганди. Бу орада Қоғон тумани Беклар қўрғониданги чала қурилган ховлида ҳам иморат қуришди. Аммо узаро келишмовчилик, эринг зуравонлиги оқибатида оила аталмиш қутлуг даргоҳининг пойдевори ҳам дарз кетди. Болалари билан қўйналиб қолган Ойша мол-мулкни тенг бўлиб беришни сўраб, Қоғон туманлараро фуқаролик судига мурожаат этди.

Маълум бўлишича, Расул биргалликда жамғаришган мол-мулкларини тенг тақсимлаш туғул Ойшанинг илгари ўз кучи билан топган шахсий буюмларини ҳам бериш ниятида эмас. Аввал ҳам бир қизга уйланиб, унинг гулдай умрини ҳазон қилган бу йиғитнинг ҳамаси, ҳали отдан тушгани йўқ эди. Аммо қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тузилган ҳар икки томон розилик билдириб, имзо қўйган далолатнома, қолаверса, гувоҳларнинг қўрсатмалари барча мушкулотга ойдинлик киритди.

Гарчи, жавобгар Расул Эргашев судда, далолатномада кўрсатилган ашёларни ўзининг хусусий мулки деб кўрсатма берса-да, далиллар буни ҳақиқатга зид эканлигини исботлади. Суд мавжуд қонунчиликдан келиб чиқиб, "Москвич" автомашинаси, турт бош қорамол, 2 эчкини уларнинг умумий мулки, деб топди. Умумий мулк эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 216-моддасига мувофиқ улушларга бўлинади. Шундан келиб чиқиб суд Ойша Зиёдованинг даъвосини қаноатлантирди. Уртадаги мулк тенг тақсимланди. Шунингдек, бир неча тилга тақинчоқ ҳам Ойша Зиёдованинг хусусий мулки, деб топилди.

Ҳа, адолат қарор топди. Вояга етмаган уч боласи бўлган аёлнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Аммо Расул Эргашев турмуш ўртоғининг ҳақ-хуққини пой-моқ этмаганида, ҳуда-беҳуда жанжал кўтармаганида, маънавий қиёфасини йўқотмаганида шу машамалар рўй бермас, уч гўдак ота меҳрига зор бўлиб қолмасми, деган уй тинчлик бермайдди, кишига. Ахир, оила - муқаддас тушунча. Унга гард ҳам юқтирмай яшаш барчанинг инсоний бурчи эмасми?!

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



М.КЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат-лавҳа.

НАҚШЛАРГА МУҲРЛАНГАН УМР

Абдулла Болтаев Хоразм меъморчилиги довуғини дунёга ёйган, умрини нақшлар сеҳру жилогига бағишлаган инсон эди.


Маълумки, Хоразм меъморчилиги ўзининг нақшошлик, ганчкорлик, хаттотлик каби нафис турлари билан ҳаммаи хайратга солиб келган. Халқ даҳоси яратган ва асрлар давомида шаклланган ноёб меросни ўрганиб, бойитиб, ундан бугунги ва келажак авлодни баҳраманд этиш ҳаммининг ҳам қўлидан келмавермайдди.

Нақшошлик санъати кишидан машаққат ва заҳмати тарих ва маданиятни, этнография, хаттотлик ҳамда адабиётдан чукр хабардор бўлишни тақозо этади.

Абдулла Болтаевда (1890-1966) ана шундай хислатлар мужассам эди. Хали болалигидаёқ ота касби - бўёқчилик билан шугулланиб, моҳир хунарманд даражасига етган, 1910-1912 йиллардан хонликда қурилган мадраса, почта, телеграф, касалхона биналарини жиҳозлашда қатнашди. Оз вақт ичида ўткир зеҳни боис, Хива нақшошлигига хос шохлоя барг, гул ва гулчаларга ўхшаш айланма ислимий нақшларни ижод қилиб, Абдулла нақшош сифатида шуҳрат қозонди.

Шунингдек, XX аср бошларида у Хивадаги 20 га яқин меъморий обидалар бунёдкори бўлибгина қолмасдан, шўролар даврида қаровсиз

МЕЪМОРЧИЛИК



даларни таъмирлаш, нақшошлик, сангтарошлик, ўймакорлик, ганчкорлик, хаттотлик сингари касбларни келажак авлодга етказиш билан шугулланувчи "Умид" артелининг очилиши, шахсга сийғиниш йилларида катта бир жазорат эди. Утмишни ўрганиш, хонлар қурдирган обидаларни таъмирлаш учун жон қўйдириш, ҳукмдорларни золиму, ўтмиш зулматдан иборат,

деган ақида ҳукмрон даврларда бу ишларга бош бўлишга ҳар қим ҳам ботинолмасди.

Ана шундай оғир вазиятда Абдулла Болтаев, Ота Полвонлар, Қаримберган Раҳмоновлар каби ҳамкасблари билан шу ишларга қамарбаста бўлди. 1937 йил Парижда Абдулла Болтаев тарқи асосида ишланган устун олтин медал ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Қарангки, ўша пайтда халқаро кўргазмага нақшош усталарни эмас, меҳнат маҳсулини ўнатишди, холос. Усталар билан кўргазмага голиб бўлганларнинг орадан нақ ўн бир йил ўтиб эшитилди...

Абдулла Болтаев ва унинг сафдошлари Хоразмдагина эмас, Тошкентдаги мухташам Алишер Навоий, Мўқимий нармо театрларни қуриш ва пардозлашда ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Моҳир нақшош ўз иқтидорини фақат нақшларга эмас, мозий сирларини ўрганишга ҳам бағишлади.

Маълум муддат Хива музейида ҳам фаолият кўрсатган Абдулла Болтаев ҳар бир обида, уларни бунёдга келтирган инсонлар, хонлиқнинг ижтимоий-сёсий, маданий аҳоли ҳақида 88 дафтарга тарихий лавҳалар ёзиб қолдириш. Яхё Фуломов, М.Йўлдошев каби тарихчилар нақшош ёдномаларидан наъба сифатида фойдаланганлар.

Кўрганингиздек, Абдулла Болтаевнинг 76 йиллик умри юртимизнинг бир қатор меъморий обидаларга муҳрланиб қолган. Агарки, йўлнингиз Хивага тушиб, бетакор меъморий обидалардан хайратга тушсангиз, бунга ўз хиссасини қўшган Абдулла Болтаевни эслаб қўйинг. Зеро, у ана шу эзлабга лойиқ инсон эди.

Умид БЕКМУҲАММАД, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЭВЕРЕСТ ЧЎҚҚИСИНИ КЎЗЛАБ

(Боши 1-бетда)

Гап шундаки, Президентимиз ташрифидан сўнг мажур спорт иншооти филиал тасарруфига берилди. Демак, унинг битишича жамғарма масъул ва тезроқ ишга туширилишидан наманганилик ёшлар манфаатдор.



Хозир Наманган вилоятида ўнга яқин йирик, замонавий стадион, 578 та футбол майдони бор, янгилари эса энди жиҳозланмоқда. Диккатга сазовор жойи шундаки, улар асосан мактаблар тасарруфидан ҳам шугулланувчилар ҳам асосан болалардан иборат. Хозир 2003-2005 йиллар давомида бунёд этиладиган болалар спорт иншоотлари режаси бўйича жадал иш олиб боришмоқда. Уларнинг 53 фоизи жамғарманинг вилоят филиали, қолган қисми эса хомийлар томонидан қурилади. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу йўналишдаги кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишларига 700 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Косоний шаҳрида хатто нафақахўрлар ҳам болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фондида ўз улушларини қўшмоқдалар. Йил бошидан буйн жамғарма ҳисоб рақамига тушган хомийлик маблағи 613 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Бу эса вилоятнинг Исковот, Чодак каби энг чеқка қишлоқларида ҳам болалар учун спорт иншоотлари, уйингоҳлар қуришга йўл очмоқда.

Етти оздан ортиқ қишлоқ маҳаллаларида ҳам олиш қунарилади "Ойлави спорт кўни" ўтказилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи" шиори остида беллашув ташкил этди. Унда Давлатобод туманидаги 49-мактаб муаллими Руслан Назаров бошлиқ жондор голиб чиқди. Бу оиланинг ҳар бир аъзоси спортнинг қамиди учтадан тури билан мунтазам шугулланади.

Болалар ўртасида миллий спортга қизиқиш ўрбис бормоқда. Буни рағбатлантириш учун Уйчи тумани хокими соврини учун ўтказилган нуфузли беллашувда хатто қирғизистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди. Бу каби оммавий тадбирларни ташкил қилишга "Махалла", "Қамолот", "Ватанпарвар", "Соғлом авлод йўли" каби ташкилот ва жамғармалар ушшоққилик билан ёндошмоқдалар. Бу эса эндиликда "Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш кенгаши"ни тузиш учун шарафат озага келгандан далолатдор. Вилоятда спорт билан мунтазам шугулланувчи болалар сони 170 минг нафарга яқин. Ҳисоб-китобларга қараганда, улар учун 450 миллион сўмлик спорт анжумалари, кийим-кечак ва пойфалозим. Бу айтингла осон, аммо ҳазилкам пул эмас. Айни кунларда бу борадаги муаммолар ҳам ҳал этилиш арафасида турибди. Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ўз хизматларини тақлиф этишди: ҳам арзон, ҳам сифатли... Чунинчи, "Наманган электротерм" ва "Механика-машинасозлик" корхоналарида гагтел, штанга, волейбол тўсиғи каби ўнга яқин турдаги спорт жиҳозларининг, "Муштарий" ва бошқа энгил саноат корхоналарида спорт либосларининг намуна хусчалари тайёрланди. Охириги сўз бу борадаги махсус комиссиянинг ҳўхмига ҳавола этилган.

Йўқ, бу гаплар мактов ўрнида келтирилгани йўқ. Масаланинг моҳияти сўз ва ишнинг бирлигида, режалар фақат қорғозда қилиб кетмаслигида. Албатта, муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунинчи, қурилишни тезлаштириш учун шўшма-шўшарлик билан иш тутиш, салла ол деса, қалла олиш... Булардан қатъий назар, Наманганда Юртбошимизнинг "Соғлом, заковатли ёшларни тарбиялаш тараққиёт гаровидир" деган ғояси бош шўр бўлиб турибди.

Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

SPORT OLANIDA

ҲАЯЖОНГА БОЙ БЕЛЛАШУВЛАР

"Баркамол авлод" спорт мусобақалари қизгин паллага кирмоқда. Спортнинг 14 тури бўйича мурасисиз ўтаётган мусобақалар жараёнида спортчилар кўплаб медаллар шодасини қўлга киритишмоқда.

Оғир атлетика мусобақасида андижонлик Мамажоновга тенг келадиган спортчи топилмади. У ҳозирча барча рақибларидан кўра кучли эканлигини исбот қилиб, турнирнинг олтин медалини қўлга киритди. Самарқанд вилояти ҳамда қорақалпоғистонлик Аҳмадалиев, Мендибоевлар эса иккинчи, учинчи ўринлар билан қийоғланишди. Қураш баҳсларида Бухоро вилояти ёш полвонлари умумжамоа ҳисобида турнир шохсупасининг туридан жой олишган бўлса, самарқандликлар иккинчи, мезбонлар учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Қизғин шундаки, ҳар сафар мусобақаларда пешқадамликни кўздан бермай келадиган пойтахт шаҳри жамоасини турнир-ти. Қураш беллашувлари, туртинчи ўринга лозим бўйича қизлар ўртасидаги якунланди. Сурхон - Жиззах 11:28, Қашқадарё - Бухоро 13:30, Хоразм - Жиззах 41:53.

Уйинларда Тошкент вилояти етакчилик қилмоқда. Андижонликлар эса иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринларда. Юғуриш бўйича баҳсларда 9 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза медаллари қўлга киритилди. Футбол бўйича Андижон - Самарқанд жамоалари учрашувида самарқандликларнинг қўли банд келди. Наманган - Жиззах ўртасидаги баҳсинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Пенальтилар бўйича эса 5:3 ҳисобида жиҳазлик ёш чарм тўп усталари рақибларини мағлуб этишди. Шунингдек, Тошкент - Фарғона 3:0, Бухоро - Қашқадарё 2:3 натижалари қайд этилди. Қорақалпоғистон Республикаси - Навоий жамоалари ўртасидаги кўн тўпи учрашувида 28:23 ҳисоби қайд этилиб, қорақалпоғистонликларнинг қўли банд келди. Тошкент шаҳри жамоаси ҳам навоийлик спортчиларни 18:10 ҳисобида енгди. Бухороликлар эса наманганликлардан енглишди. Фарғона - Жиззах 30:15, Андижон - Тошкент шаҳри 20:15. Қизлар ўртасида волейбол баҳслари эса қуйдагича якунланди. Хоразм - Жиззах 3:2, Навоий - Қорақалпоғистон Республикаси 0:3, Жиззах - Сирдарё 3:0.

БАЙРАМОНА ТУС ОЛДИ

Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов туманида Мирза Голиб ҳамда Беруний маҳаллалари жамоалари ўртасида спорт тадбирлари ўтказилди.

7 ёшдан 13-14 ёшгача бўлган болалар иштирокида уюштирилган спорт мусобақалари байрам тусини олди. Спортнинг футбол, волейбол, шохмат, шашка, юғуриш, қураш, теннис, арқон тортиш каби турлари бўйича мурасисиз ўтган беллашувларда болаларнинг қаҳқонликларини намойиш этишди. Собир Раҳимов туман ҳокимилиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Махалла" ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг туман бўлимлари болаларга эсдалик совғалари топширди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов ва Собир Раҳимов туманларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳар иккала туман бўлимлари томонидан жисмоний тарбия ва спортни болалар ўртасида оммалаштириш бўйича баҳарийлашган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимликлари раҳбарлари, спорт мутасаддилари, хомий ташкилотлар, ўқув юртли раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишди.

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ...

Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги мактабгача тарбия муассасалари жамоалари ўртасида спорт таъкида мусобақалари уюштирилди.

"Фарзандлари соғлом юрт - қудратли бўлур" шиори остида ташкиллаштирилган баҳсларда болаларнинг ўзларининг маҳоратларини намойиш қилишди. Байрамона рўхта ўтган тадбир якунида кичкинтойларга мутасаддиларнинг совғалари туҳфа этилди.

"ЭСКИ ЖЎВА" ЖАМОАСИ ГОЛИБ

Тошкент шаҳрида "Тошбозоравло" уюшмаси соврини учун пойтахтимиздаги бозорлар жамоалари ўртасида минн-футбол турнири ўтказилди.

Қизилқалъа ва мурасисиз курашларга бой турнир муқддирларда катта таассурот қолдириди. Турнир якунига кўра барча рақибларини енгган "Эски Жўва" жамоаси голиб деб топилди.

ЎЗБЕК ҚУРАШИ - ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДА

Ота-болаларимиздан мерос бўлиб келаятган севимли миллий спорт тури - кураш ҳақида Янги Зеландиядан хушхабар келди.

Хушхабардан маълум бўлишича, ана шу мамлакат Кураш федерацияси ташаббуси билан 14 ёшгача бўлган болалар иштирокида ўзбек кураши бўйича турнир бўлиб ўтган. Мусобақаларда голиблик учун 200 нафар Янги Зеландиялик ёш полвонлар гиламга тушишган.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1980 йил 23 майда Баштов Алим номига берилган №573737 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент юридик техникуми томонидан 1993 йил 5 июлда Хайдарова Динфуза Унгаловна номига берилган МТ-1 №014148 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎҚИНГ, КИЗИК

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ

Бамбуқнинг баъзи турлари бир кунда 91 сантиметр ёки 0,00003 км/соат тезликда ўсади.

Кактус ўсимлиги ўн йил мобайнида атиги 2 сантиметрга ўсади, 50 йил ўтгандан кейин эса гуллаяди. Бу ўсимлик 200 йил умр қўриши мумкин экан. Унинг баландлиги 15 метрга етиши мумкин.



Сицилия ороли атрофидаги Этна шаҳрида XVIII асрнинг охиридаги "100 та от дарағи" деб аталувчи қорақайинлар оиласига мансуб дарахнинг йўғонлиги 57,9 метр эканлиги қайд этилган. Кейинчалик бу дарах ут қисмга бўлиниб кетган.

Жаҳонгир ДОЛИЕВ тайёрлади.

Яқинда Евроосиё жамғармаси Ўзбекистон ва қўшни Тожикистонга умумий қиймат 158 минг АҚШ долларидан ортиқ грантлар ажратди.

Евроосиё жамғармасининг Тошкентдаги минтақавий идораси экспертлар кенгаши мажур грантлар икки республикада хусусий тадбирчилик, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун саккизта ташкилотга берилишини маълумлади.

Ўзбекистонда ушбу грантларга "Тошкент ресурс маркази" жамоатчилик жамғармаси, Қўзон ёхборот ва иқтисодий-маркетинг тадбирчилик маркази, Термиз "Тарқуқўй" фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлаш маркази, Бишкек шаҳридаги "Ривожлантириш" нотикуват мутасаддилари ташкилоти, Жиззах вилояти клубунаси эга бўлди.

Масалан, Термиздаги марказга 18 минг 319 доллар миқдоридан грант Обод маҳалла Йилида фуқаролик жамияти муаммоларни тўрида кенг жамоатчилик мулоқотини қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилди. Мазкур лойиҳа доирасида қўшни маҳаллаларнинг 120 нафар етакчиси ва 30 нафар журналист ўқитилди. Ахборот ресурс маркази ташкил этилиб, замонавий жамиятда маҳалланинг ролини оширишга қаратилган ойлик телекурсовлар тайёрланади ва эфирга узатилади.

"Тошкент ресурс маркази" ажратилган 19 минг АҚШ долларидан ошқ маблағ иқтисодий фанлар соҳасида енглинаётган таълимни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ушбу лойиҳа доирасида олний ўқув юртлири ўқув режасига янги «Иқтисодий ишлар асослари» курси киритилди, янги дарслик тайёрланди, Тошкент ва Фарғона университетларида ўқув курслари ўтказилди. Мазкур лойиҳа янги иқтисодий ҳодимларнинг касбий малақасини ошириш, нафақахўрлар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари каби аҳолининг иқтисодий хиймага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун шарафат яратиш имконини беради.

Қўқонда эса Евроосиё жамғармаси ажратган 32 минг 661 долларга ривожлантириш бўйича лойиҳалар сифатини яхшилаш учун баҳолавчилар миллий тармоғи ташкил этилади. Унинг иштирокчилари тренингдан ўтган, турли нотижорат лойиҳаларини баҳолайди. Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этиладиган Фузатув кенгаши тармоқ аъзолари қарорлият мониторингини амалга оширади.

ЕВРООСИЁ ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ

Лойиҳаларни баҳолаш бўйича билимларни ошириш ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ташкилотларга ўз фаолиятини талқомлаштиришга ёрдам беради.

Бишкек шаҳри ўзини тақдирлаган қиймат 22 минг 525 АҚШ долларига тенг лойиҳада қишлоқда ривожланиш ва кичик агробизнесда қонсеравлага қўлақлаш шўшма тутилган бўлса, Жиззах лойиҳаси /12 минг 36 доллар/ фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши жараёнига жалб этилишини оширишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Евроосиё жамғармаси 1993 йилдан буйн АҚШ Давлат тараққиёт агентлигини ва бошқа халқаро ташкилотлар қўмағида МДХнинг 12 давлатига 130 миллион АҚШ долларига миқдорда 6500 дан ортиқ грант тақдим этди.

Марказий Осиёда мажур жамғарма томонидан фуқаролик жамияти, хусусий тадбирчилик, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш борасида ташаббуслари қўллаб-қувватлаш учун 20 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган.

(ЎЗА)

Бош муҳаррир ЎТҚИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), ОЗОД ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар